

(?- 1611-й. 27-август)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони (1605-1611). Акаси Бокимухаммадхон даврида Балх ноиби (1599-1605). Бокимухаммад вафотидан сўнг Бухоро тахтига ўтказилган. Валимухаммадхондан сўнг Балх хокими бўлган Надрмухаммадхон бошлик маҳаллий амалдорлар Имомкулихонни Бухоро тахтига ўтказиш учун Валимухаммадхонга қарши фитна уюштирганлар. 1611-йилнинг баҳорида Валимухаммадхон Имомкули ва Надрмухаммадхонлар билан бўлган қурашда енгилгач Имомкулихон Бухоро хони деб эълон қилинган. Валимухаммад эса икки ўғлини олиб Эрон шоҳи Аббос ҳузурига қочиб борган. Амирлар Бокимухаммадхоннинг ўғли Имомкулихонни тахтга ўтказганлар. Валимухаммад Аббос ёрдамида Мовароуннахрни қайтариб олишга ҳаракат қилган. Тарихчи Муҳаммад Юсуф мунши „Тарихи Муқимхоний“ асарида ёзишича, шоҳ Аббос Имомкулихонга қарши қурашиш учун Валимухаммадхонга 80 минг кишилик қизилбошлилар қўшинини берган. Бироқ Самарканд атрофидаги Боғи Шамолда бўлган жанг (1611-йил август)да Имомкулихон галаба қозongan, Валимухаммад асир оlinиб қатл этилган.